

# ТАЙИНЛОВ



## Термиз тумани ҳокимиға янги биринчи ўринбосар тайинланди

**Бўриев Акмал Авазович** Термиз тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимиға тайинланди.

**Бўриев Акмал Авазович** 1981 йил Бойсун туманида туғилган. 2003 йилда Тошкент Ахборот технологиялар университетини тамомланган. Маълумоти бўйича мутахассислиги – менежмент.

2020 йилдан буён Сариосиё тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келаётган эди.

Шу кунга қадар Термиз тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган Қаландаров Шухрат Искандарович Сариосиё тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимиға тайинланди.